

## DESIGN, DESIGN EDUCATION AND PEDAGOGICAL DESIGN POINT IN THE DEVELOPMENT OF COMMUNICATIVE COMPETENCE OF PRESCHOOL CHILDREN ON THE BASIS OF THE STATE PROGRAM "FIRST STEP"

Zuparova Dilnoza Dadakhonovna

dilnozazuparova@mail.ru

909452057

**Abstract:** This thesis emphasizes the importance of design, the essence of design education, the development of communicative competence of preschool children.

**Keywords:** design culture, design education, pedagogical design, competence, preschool pedagogy, communicative competence.

### “ИЛК ҚАДАМ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДИЗАЙН, ДИЗАЙН ТАЪЛИМИ ВА ПЕДАГОГИК ДИЗАЙН НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЁНДАШУВ

Зупарова Дилноза Дадахоновна

dilnozazuparova@mail.ru

909452057

**Калит сўзлар:** лойиҳалаш маданияти, дизайн таълими, педагогик дизайн, компетенция, мактабгача педагогика, коммуникатив компетенция.

**Аннотация:** Ушбу тезисида дизайн, дизайн таълимнинг моҳияти, мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришдаги аҳамияти ёритилган.

Замонавий жамиятда билимли, ижодий фикрлашга, фикрини аниқ ифодалашга, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишга қодир бўлган шахсга нисбатан катта эҳтиёж мавжуд. Бундай баркамол шахсни тарбиялаш мактабгача таълим тарбия жараёнига компетенциявий ёндашувни талаб этади. «Компетенция бу таълим ва тарбия жараёнида орттирилган билим, тажриба, кадрият, қобилиятга асосланган умумий лаёқатдир. Компетенция фақат билим ёки кўникмалар билан чекланмайди; Баркамол бўлиш олим ёки билимли бўлишни англатмайди. Компетенция ва кўникма тушунчаларини фарқлай билишимиз зарурки, кўникма муайян вазиятдаги ҳаракатни ифодалайди. Компетенция эса, ўз навбатида ҳаракат ва кўникмаларни кузатиш орқали эришиш мумкин бўлган хусусиятдир. Шу тарзда, кўникма – бу ҳаракатдаги компетенция деган тушунча келиб чиқади. У ёки бу компетенцияларнинг шаклланиши таълим мазмуни воситаларида вужудга келади. Ана шундай таълим мазмуни воситаларини дизайн ва дизайн таълими нуқтаи назаридан кўриб чиқишимиз зарур.

“Илк қадам” давлат дастури Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача

ёшидаги болаларни ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда мактабгача таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари, ўқув-тарбиявий фаолиятнинг асосий ғоялари ифодаланган, шунингдек, боланинг таълимнинг кейинги босқичига ўтишидаги асосий компетенциялари белгиланган.

Унга кўра Мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим компетенциялари қуйидагиларни ташкил этади:

Коммуникатив компетенция – мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмаси .

Коммуникатив компетенция деганда таълим олувчининг ҳар қандай нутқий маълумотларни қабул қила олиш, тушуниш қобилиятини, шунингдек, ўзининг билими, кўникмалари, амалий тажрибаси, тилнинг қабул қилинган меъёрлари, шахсий сифатларига мувофиқ фикрларини вербал ва новербал воситаларда ифодалай олиш кўникмасини тушунамиз. Бунда таълим олувчи нутқ воситасида белгиланган маконда, маълум бир шароитдан келиб чиқиб, мавзу, мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, коммуникация ва одоб ахлоқ нормаларидан келиб чиқиб маълум бир натижаларга эришади.

Илк ва мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив компетенцияси – атрофдаги инсонлар билан ўзаро муносабатларнинг конструктив усул ва воситаларидан фойдалана билиш, мулоқот қила олиш ва мулоқот ёрдамида ўйинлар, ўргатувчи, маиший ва ижодий масалаларни ижобий ҳал эта олиш кўникмасидир. Коммуникатив компетенция ўзининг ривожланишини мактабгача ёшда бошловчи мураккаб, кўп компонентли тушунчадир. Мактабгача ёшда таълим ва тарбия тизимида шахс ривожланишининг болалар компетентлиги, креативлиги, ташаббускорлиги, фаоллиги, мустақиллиги, коммуникабеллиги каби базавий чизгилари катта аҳамият касб этади. Коммуникация нутқий ва нутқсиз бўлиши мумкин. Мактабгача таълим ва тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда кенг тарқалган метод ва шакллар қуйидагилардан иборат: ўйинлар, сахна ўйинлари, мусобақалар, драма ўйинлари, ҳаракатли ўйинлар, ижодий ўйинлар, суҳбатлар, сюжет-ролли ўйинлар, эркин ва тематик тасвирий фаолият, бадий адабиётларни ўқиш ва шерлар муҳокамаси, импровизация, хикоялар айтиш, мини-кўриклар, адабий викториналар ва бошқалар.

Дизайн категориялари ва сигналлари илк ва мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришга креатив ёндашув воситаси бўлиб хизмат қилади. Бола ўзини ўраб турган оламга ўз муносабатларини билдиришга ўргатилар экан, шакл, ранг, фактура, композиция каби элементар категорияларга дуч келади. Курган ва чизган расмларини тасвирлаб бера олиши, муносабатини билдириши, вербал характерга эга бўлган таърифлардан келиб чиқиб у еки бу предметни кўз олдига келтириб тасаввур қила олиши ва новербал коммуникация воситаларида ифодалай олиши унинг лойиҳалаш маданияти ривожланишининг дастлабки қадами ҳисобланади. Дизайн композицион элементларини мактабгача таълим ва тарбия жараёнида болалар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда самарали қўллаш натижасида:

1. У еки бу буюмнинг бадий тилини тушуниш, унинг параметрлари шакли, ранги, фактураси, қулайлиги, антиқалиги, оммабоплиги юзасидан ўз муносабатини билдира олиш жараёнида болада нутқий кўникмалар ривожланиб боради. Бу болани ўраб турган муҳит, уйи, таълим олиш муҳити, либоси, ўйинчоқлари, ва бошқалар бўлиши мумкин.

2. Новербал коммуникация воситаларидан фойдалана олиши ўз фикрини визуал коммуникациялар ёрдамида ифодалай олишида дизайн сигналлари ва композицион категорияларни қўллай олиши еки аксинча, нутқ воситасида эшитганларини англаши ва тасаввур қила олиши, керак бўлса вербал ва новербал коммуникациялар ёрдамида ифодалаб бера олиши мумкин. Педагогик дизайн элементларининг ўринли қўлланиши бола нутқини ривожлантиради. Бунда кўрғазмавий материаллардан самарали фойдаланилади.

### Адабиётлар рўйхати

1. “Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури Тошкент 2018 йил 4 б.
2. Н. Н.Лазарева. "Развитие познавательной компетенции дошкольников в процессе проектной деятельности" <https://edu-time.ru/pub/103301>
3. М. В. Стурикова Коммуникативная компетенция: к вопросу о дефиниции и структуре Текст научной статьи по специальности «Языкознание и литературоведение».
4. Красовская, Е. В. Формирование коммуникативных компетенций у детей старшего дошкольного возраста с общим недоразвитием речи / Е. В. Красовская, А. Н. Данилова. — Текст : непосредственный // Теория и практика образования в современном мире : материалы V Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, июль 2014 г.). — Т. 0. — Санкт-Петербург : СатисЪ, 2014. — С. 80-82. — URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/105/5948/>